

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ ЗИЁДУЛЛА АХМАДОВИЧ

**ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
АСОСИДА ОШИРИШ**

08.00.11 –Маркетинг

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философи (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on economics scienses**

Хакимов Зиёдулла Ахмадович

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг
стратегиялари асосида ошириш 3

Хакимов Зиёдулла Ахмадович

Повышение конкурентоспособности предприятий легкой
промышленности на основе маркетинговых стратегий..... 25

Hakimov Ziyodullo Ahmadovich

The ways of improving competitiveness of light industry enterprises
based on marketing strategies 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ ЗИЁДУЛЛА АХМАДОВИЧ

**ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
АСОСИДА ОШИРИШ**

08.00.11 –Маркетинг

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.2.PhD/Iqt233 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Солиев Ахмаджон

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекмуродов Адҳам Шарипович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдукаримов Барат-Али

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноат институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tdiu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» ____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» ____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кийим саноатининг ривожланиши сўнгги 10 йилда ўртача 2,8 фоиздан ўсди¹, уларнинг савдоси эса 2016 йилда 842,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди². Жаҳон товарлар савдосининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортининг 6,4 фоизи тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари ташкил этмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ташқи савдосининг 80 фоизи, кийимлар ташқи савдосининг 75 фоизи Хитой, Хиндистон, Туркия, Корея, Бангладеш, Вьетнам ва Индонезия каби меҳнат сифими юқори бўлган ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда³. Бу жараён эса, ривожланаётган мамлакатларда меҳнат сифими юқори бўлган енгил саноат корхоналарида маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда енгил саноат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг бозорида ўзига хос маркетинг муҳити шаклланган. Республикада тўқимачилиқ, ип йигириш, тикувчилик, трикотаж, пойабзал ва ипакчилик соҳаларида 10 мингга яқин йирик ва кичик корхоналар, шунингдек, 400 дан ортиқ қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Тармоқда 150 минг киши иш билан банд. Бироқ, Ўзбекистонинг жаҳон тўқимачилик ва кийим экспортидаги улуши эса атиги 0,3 фоизни⁴ ташкил этмоқда. Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунлик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша оладиган миллий брендларни шакллантириш етарли даражада эмаслиги корхоналар рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатлар тармоқда фаолият юритаётган корхоналар рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясида «принципial жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»⁵ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Жаҳон амалиётида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, корхоналарда инновацион маркетинг тизимини жорий этиш, бозор

¹Textile Outlook International. Business and market analysis for the global textile and apparel industries. No 184. Published February 2017. ISSN 0268-4764.

²WTO. International Trade Statistics. 2017. URL: <http://www.wto.org>

³ WTO. World Trade Statistical Review. 2017. p 120-121/ https://www.wto.org//wts2017_e.pdf

⁴Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). List of exporters for the selected product Product: 59, 60, 61, 62, 63. 2017. <http://www.trademap.org/>

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегияси» Lex.uz

тадқиқотларини самарали ташкил этиш, тўқимачилик ва мода компаниялари учун самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, енгил саноат кластерларини шакллантириш, электрон савдо тизимини халқаро даражада йўлга қўйиш, миллий брендларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сонли фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қиласиди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлик хусусиятларини тадқиқ қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот йўналишидир. Бу борада Mboya J, Cline W, Doeringer P, Crean, S. Dickerson K. G, Nordas H. K., Verma S, Xiajun.A, Juyoung Lee, Dorothe'e H., Mayukh D. кабиларнинг илмий ишлари классик ишларга айланган⁶. Санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг иқтисодиёт фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, уларда корхоналар рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегияларини мувофиқ танлаш, шунингдек, инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Е.Евгенивич, А.Стацура, Ю.Филюков, И.Празян, Т.Фрадина, С.Генова сингари олимлар⁷ тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур олимларнинг илмий

⁶Mboya J. Determinants of Competitive Advantage in the Textile and Apparel Industry in Tanzania: The Application of Porter's Diamond Model. British Journal of Economics, Management&Trade 7(2): 128-147, 2015; Cline W. The future of international trade in textiles and apparel. Washington: In.International Economics. 1992. 225.; Doeringer P., Crean, S. Can fast fashion save the U.S. apparel industry. Socio-Economic Review, 4(3), 2006. 353-377.; Dickerson K.G. Textiles and apparel in the global economy. 3rd ed. NJ: M\$P-Hall.; Nordas H. K. (2004). The global textile and clothing industry post the agreement on textiles and clothing. World and I, 7.; Verma S. Export competitiveness of Indian textile and garment industry. Indian Council for Research on International Economic Relations. Working paper No. 2002. p 94.; Juyoung Lee. (2013) Competitiveness of textile and apparel industries in the United States and Japan. Iowa State University. Digital Repository@ISU. Dissertations; Xiajun A, Dorothe'e H. Assortment planning for vertically differentiated products. Production and Operations Management Society. Vol. 21, No. 2, March–April 2012, pp. 253–275; Mayukh D. Brand vulnerability to product assortments and prices. Journal of Marketing Management, 2013 Vol. 29, Nos. 7–8, 735–754;

⁷Стацура А.И. Формирование и развитие конкурентоспособности предпринимательской структуры на рынке текстильной продукции. Дис. на соис. уч. степ. к.э.н. – СПб. 2009; Филюков Ю.К. Разработка механизма управления конкурентоспособностью предприятий легкой промышленности на основе совершенствования

ишларида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланиш ҳамда маркетинг стратегияларини қўллаш бўйича илмий тавсиялар берилган. Қайд этилган ишларда рақобатбардошликин маркетинг стратегиялари асосида оширишнинг тизимлашган таҳлиллари ва ички бозорни ҳимоялашга қаратилган стратегияларни белгилаш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оширишнинг умумий жиҳатлари И.Искандаров, С.С.Фуломов, Б.Ю.Ходиев, Ё.А.Абдуллаев, А.Солиев, М.С.Қосимова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, З.Д.Адилова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кўрсатиб берилган⁸. Мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари кўламига қарамай, ҳозирги Ўзбекистоннинг маҳаллий ва жаҳон бозорларида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш омилларини тадқиқ этиш, маркетинг стратегияларидан фойдаланиш орқали уларнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ошириш, истиқболли ассортимент стратегияларини белгилаш, мода индустриясини ривожлантириш ва ҳудудларда енгил саноат кластерларини ташкил этиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий тълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Наманган мұхандислик-технология институтидаги «Текстиль кластери»нинг инновацион моделини ишлаб чиқиши ва амалиёга татбиқ этиши» (2015-2017 й.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича халқаро тажрибани, амалда кенг қўлланилаётган маркетинг стратегияларини ва рақобатни шакллантирувчи омилларни ўрганиш;

корхоналар маркетинг фаолиятида «Кластер» назариясининг моҳиятини шарҳлаб бериш;

методических подходов к её оценке и регулированию. Дис. на соис. уч. степ. к.э.н. – СПб. 2010; Празян И.В. Маркетинговое обеспечение конкурентоспособности предприятий легкой промышленности. Дис. на соис. уч. степ. к.э.н. -Волгоград, 2007; Фрадина Т.И. Методология и методы управления конкурентоспособностью предприятий легкой промышленности в условиях глобализации экономики. Дис. на соис. уч. степ д.э.н. – СПб, 2010; Генова С. Оптимизация процесса планирования ассортимента продукции в рамках маркетинговой деятельности предприятия. Дис. на соис. уч. степ д.э.н. – Кишинев, 2006.

⁸ Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспектлари. 08.00.13–»Маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б.

енгил саноат товарлари бозорида шаклланган ассортимент ва рақобатни таҳлил қилиш асосида корхоналарнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

енгил саноат товарлари бозорининг ривожланиши ва ундаги рақобат муҳитини баҳолаш орқали кластерлаш имкониятларини аниқлаш;

мода индустрияси ривожланган давлатлар тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин бўлган йўналиш ва имкониятларни асослаш;

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий стратегияси сифатида «Енгил саноат кластери» моделини шакллантириш ва унинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Наманган вилоятидаги енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш жараёнларида юзага келувчи иктисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, иктисодий-математик, тизимли тенгламалар модели, омилли таҳлил, эксперт баҳолаш, SWOT таҳлил, сўров, танланма кузатув, BCG стратегик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган услубий ёндашув ўзаро муносабатларга асосланган кластер усулидан фойдаланиш воситасида такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш усули корхонанинг интеграл кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий, бошқарув, логистик ва инновацион фаолиятлари самарадорлиги) ва бозор муҳитига мослашишига кўра такомиллаштирилган;

енгил саноатни кластерлаш имкониятларини баҳолаш усули корхоналарнинг вертикал ва горизонтал интеграцияси ҳамда рақобатда хамкорлик муносабатлари омиллари асосида такомиллаштирилган;

мода индустриясини ривожлантириш бўйича миллий брендни яратиш ва ассортиментни кенгайтиришнинг етакчилик стратегияси такомиллаштирилган;

«Наманган текстиль кластери» шаклида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

енгил саноат товарлари рақобатбардошлигини эксперт баҳолаш усули такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича замонавий дизайн-мода, консалтинг, инжиниринг марказлари модели таклиф этилган;

дизайн-мода марказларида маркетинг фаолиятини ривожлантириш йўналишлари таклиф этилган;

енгил саноат корхоналарига тайёр кийимлар бозори учун ассортиментни шакллантириш алгоритми таклиф этилган;

«Наманган текстиль кластери» фаолиятини ташкил этиш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, унинг синергия самараси аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таникли иқтисодчи олимларнинг маркетинг тамойиллари борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, корхоналарнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг маркетинг тадқиқоти натижалари, расмий статистик маълумотлар ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш стратегиялари, рақобатбардошликни тўлақонли баҳолаш имкониятини берувчи методологик ёндашувларни ишлаб чиқиша фойдаланилади. Таклиф этилган тадқиқот усуллари корхоналарнинг маркетинг стратегиялари ва дастурлари ҳамда ахборот базаларини шакллантиришда хизмат қиласиди. Тадқиқот натижалари енгил саноат корхоналари бозор фаолиятининг концептуал асосларини такомиллаштиришда кўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти енгил саноат корхоналари бозор фаолияти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда, бозор улушини оширишда, халқаро бозорларга чиқиш ва унда ўз мавқеини таъминлаш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиша, истиқболли маркетинг дастурини шакллантириш ва прогнозлашда фойдаланилади. Кластерни шакллантириш бўйича тавсиялардан саноат зоналарини ташкил этиш ва улар салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарор ва мақсадли дастурларни белгилашда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган ўзаро муносабатларга асосланган кластер усулидан фойдаланиш воситасида такомиллаштирилган услубий ёндашув «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 4 декабрдаги ДМ-160-сон маълумотномаси). «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2017–2019 йилларга мўлжалланган бизнес мақсадларини белгилаш ва вилоятларда пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарор лойиҳаларини тайёрлашда муайян даражада хизмат қиласиди;

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашнинг корхонанинг интеграл кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий, бошқарув, логистик ва инновацион фаолиятлари самарадорлиги)

ва бозор мұхитига мослашишига күра такомиллаштирилган усули «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг фаолиятига қўлланилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 4 декабрдаги ДМ-160-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгилик Наманган вилоятида фаолият юритаётган «Юксалиш» ва «Саодат саноат сервис» масъулияти чекланган жамият(МЧЖ)лар амалиётида фойдаланилиб, мазкур корхоналарнинг 2017 йилдаги рентабеллик кўрсаткичларини 2016 йилга нисбатан оширилишига ҳамда 48 минг АҚШ доллари микдорида қўшимча маҳсулот экспорт қилинишига эришилган;

енгил саноатни кластерлаш имкониятларини баҳолашнинг корхоналарнинг вертикал ва горизонтал интеграцияси ҳамда рақобатда ҳамкорлик муносабатлари каби омиллар асосида такомиллаштирилган усули «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 4 декабрдаги ДМ-160-сон маълумотномаси). Кластерлаш имкониятларини баҳолаш усули вилоятларда замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш бўйича хукумат қарорлари лойиҳаларини асослашда фойдаланилган;

«Наманган текстиль кластери» шаклида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш модели «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 4 декабрдаги ДМ-160-сон маълумотномаси). Ушбу модель асосида Наманган вилоятининг «Toshbuloq teks» МЧЖ базасида пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилган;

мода индустриясини ривожлантириш бўйича миллий брендни яратиш ва ассортиментни кенгайтиришнинг етакчилик стратегияси бўйича берилган таклифлардан Наманган вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 4 февралдаги 53-сонли «Вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида техник-технологик, инжиниринг, дизайн-мода, реклама ва консалтинг хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш тўғрисида»ги маҳсус қарорини ишлаб чиқишида фойдаланилган. (Наманган вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 4 февралдаги 53-сон қарори). Таклифлар асосида Наманган вилоятида «Istiqlol Dizayn Markazi», «Namangan fashion cunsulting», «Namangan iginiring textile» масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, Наманган вилоятида фаолият юритаётган 20 дан ортиқ корхоналарнинг 120 минг АҚШ долларлик қўшимча маҳсулот экспорт қилиниши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида мұхокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шундан 1 та монография, 9 та маҳаллий журналларда, 3 та халқаро журналларда мақола, 15 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 149 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон енгил саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тармоқда фаолият юритаётган корхоналар рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегиялари назариялари ўрганилган ва тизимлаштирилган. Енгил саноат товарлари бозорида рақобат муҳитини шакллантирувчи омиллар аниқланган. Корхоналар рақобатбардошлигини оширишда кластер стратегия-сидан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш имкониятлари ёритилган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва унинг асосий локомативи сифатида бозор субъектларининг сўнгги юз йил давомидаги тараққиёти маркетинг билан боғлиқлиги маҳаллий ва жаҳон бозорларидаги муносабатларнинг фалсафий негизини белгилаб бермоқда. Чунки маркетинг нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бозори, балки умуман иқтисодиёт ривожланишининг илмий асосини ташкил этади. Шунга кўра, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегияларининг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ривожланиш қонуниятларини ёритиб бериш маркетинг йўналишидаги ҳар қандай тадқиқотнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодиёт тизимларида ривожланиш стратегияларини шакллантириш бўйича кўплаб ёндашувлар мавжуд. Шаклланган маркетинг стратегияларини тизимлаштириш ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб бериш эса ҳар қандай корхона, жумладан енгил саноат корхоналари фаолиятида ҳам уларни самарали қўллаш имкониятларини оширишга ёрдам беради. Ўзбекистон енгил саноат бозори хусусиятларидан келиб чиқиб, корхоналарнинг бозордаги рақобатбардошлигини ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун тегишли стратегияларни танлаш ва амалда татбиқ этишда уларни тизимлаштириш талаб этилади.

Диссертацияда маркетинг стратегияси «корхонанинг бозор муносабатларидаги мақсадларига эришиш усули ва уни аниқлашдан иборат жараён» сифатида талқин этилган. Енгил саноат корхоналарининг маркетинг стратегияларини шакллантириш бозордаги рақобат кучларининг ривожланиши билан боғлиқ. Шунга асосан, бозорнинг ўзгариши ва ривожланиб боришига мос равишда маркетинг стратегиялари шакллантирилади.

Америка, Европа ва бошқа қитъаларда ривожланган бозорларнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган М.Портер (рақобатнинг беш кучи) ва Ю.Рубиннинг (корхона рақобатбардошлиги) назариялар замонавий иқтисодиётга хос рақобат стратегиялари ҳисобланади. Рақобат назарияларидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан, «товар рақобатбардошлиги», «корхоналар рақобатбардошлиги», «мамлакат ёки ҳудуд рақобатбардошлиги» тушунчаларига илмий шарҳ берилди ва уларнинг таърифлари келтирилган.

Муаллиф томонидан енгил саноатда рақобат омиллари, табиати ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсир даражаси, характеристи, бошқа тармоқларга нисбатан фарқлари аниқланган. Енгил саноат корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бозоридаги рақобатни шакллантирувчи омиллар тизимли таснифланган. Ўзбекистон енгил саноатида шаклланган рақобат мухити ва унинг доирасини кенгайтиришнинг назарий ёндашувлардан келиб чиқиб «рақобатда ҳамкорлик қилиш», «миллий брендни шакллантириш», «ассортимент бўйича бозорда етакчиликни таъминлаш» кабилар маҳаллий корхоналар учун асосий ривожланиш стратегияси сифатида тавсия этилган. Шунга асосан, тадқиқотда енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал йўналиши сифатида рақобатбардошлигининг ўзаро муносабатларга асосланган тамойилидан, кластер стратегиясидан самарали фойдаланиш лозим деб топилган.

XX аср охиридан бошлаб, Хитой иқтисодиёти тез суръатларда ривожланиши сабабли жаҳон бозорларида рақобат кескинлаша бошлади. Америка ва Европа каби ривожланган давлатлар ҳам ўз бозорларини рақобат таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида самарали маркетинг стратегияларини амалиётда қўллай бошлади. Натижада «кластер» назарияси ишлаб чиқилди ва унга нисбатан турли хил методологик ёндашувлар шакллана бошлади. Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян тажрибалар тўпланган бўлиб, А.Бекмуродов, Янг Сон Бэ, М.Болтабаев, З.Адилова, Д.Мирзахалилованинг енгил саноатда кластерларни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлари диққатга сазовор.

Кластер стратегияси асосида рақобатбардошликини оширишда қуйидаги умумий устуворликлар мавжуд:

мазкур стратегияни қўллаш асосида таъминотчилар, малакавий ходимлар, ахборот, хизмат ва таълим марказлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади, натижада корхоналарнинг меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари янада кенгаяди;

таълим ва илмий тадқиқот марказлари томонидан янги инновацион ишланмаларни яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилади;

енгил саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш ва соҳага оид илмий изланиш олиб бораётган ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнати кўпроқ рағбатлантирилади ва инновациялар яратишга мотивацияланади.

Жаҳон иқтисодиётида кластер стратегиясидан самарали фойдаланимокда. Жумладан, АҚШ саноатининг 50 фоиздан ортигини кластер таркибида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этади. Мамлакат ялпи ички

маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиғи айнан кластерда фаолият юритувчи корхоналар ҳиссасига түғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса кластерлар сони 2000 дан зиёдни ташкил этиб, уларда жами иш билан банд аҳолининг 38 фоизи фаолият юритади.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоятда жойлашган турдош корхоналар ва улар билан ягона технологик занжирда фаолият юритувчи таълим, илмий, инжинииринг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа турли хизматларни уйғунлаштиришдан иборат. Шу билан бирга, кластер инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш асосида корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати соҳасида кластерларни шакллантириш масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Буни ижобий ҳал этиш мамлакат миқёсида вертикал йўналиш ва горизонтал тизимда, вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, рақобат мұхитини ва кластерлаш имкониятларини аниқлаш асосида шунингдек, соҳага ихтисослашган таълим ва илм-фан ривожланаётган ҳудудларда шакллантириш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Диссертациянинг **«Енгил саноат товарлари бозорида рақобат мұхити тадқиқоти»** деб номланган иккинчи бобида енгил саноат товарлари бозори маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганилган. Унда Наманган вилояти енгил саноат товарлари бозори динамикаси, шаклланган рақобат мұхити ва кластер стратегиясидан фойдаланиш имкониятлари, корхоналар рақобатбардошлиги муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усуллар асосида баҳоланган.

Илмий адабиётларда корхона рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича унинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти, фаолият тури, иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ёки маркетинг фаолияти қай даражада йўлга қўйилганлигига асосланиш кенг тарқалган.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг умумэътироф этилган усулларида «маҳсулот сифатини ошириш» асосий омил сифатида қаралади, бироқ уни таҳлил қилишда шаклланган илмий мактабларнинг амалиёти турлича эканлиги аниқланди. Япон моделида «сифат тизимини янгилаш» асосий омил сифатида қаралса, французлар «маркетинг фаолияти»ни самарали ташкил этиш даражасига кўра баҳолаш кенг тарқалган. Америкача услубда кўпроқ «бозорда етакчилик»ни таъминлаш ёки «бозор улушкини аниқлаш» усулларидан фойдаланилади. Япон моделининг асосий хусусияти маҳсулотнинг истеъмол талабига мувофиқлигини ўрганишга асосланса, француз модели «маркетинг бўйича рақобат», яъни ишлаб чиқариш корхонанинг маркетинг фаолиятига қай даражада мослиги текширилади.

Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиб бориши, чакана савдода енгил саноат товарлари ассортименти ва таклиф ҳажмини оширишни рағбатлантиради. Натижада енгил саноат товарлари рақобатбардошлигининг асосий хусусияти нарх бўйича рақобатдан унинг эстетик-дизайн хусусиятларига ўтиб боради. Нафакат Ўзбекистон бозорлари, балки жаҳондаги барча мамлакатларда енгил саноат товарларининг модага

мослиги, дизайн хусусиятлари мухим рақобат омили ҳисобланади. Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, товар рақобатбардошлигини баҳолашнинг ишлаб чиқарувчи, дизайннер ва конструкторларнинг товарлар сифатига берган баҳоси ва истеъмолчиларнинг тегишли товарни қабул қилиш даражаларига кўра эксперт баҳолаш усули таклиф этилган.

Корхона бозор субъекти ҳисобланиб, унинг фаолияти бозорга йўналтирилган ва асосий мақсади бозордаги ҳаракатини самарали ташкил этишга қаратилган. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлиги кескин рақобат шароитида асосан «маркетинг» ва «инновацион» фаолиятга боғлиқ. Шунга кўра, тадқиқотда корхонанинг рақобатбардошлиги унинг операцион фаолияти ва инновацион фаолияти самарадорлиги ҳамда бозор ҳолатига мослашишига кўра интеграл кўрсаткичлар асосида аниқлаш усули таклиф этилган. Танланган усул бўйича рақобатбардошликни баҳолаш кичик корхоналарда фойдаланиш имкониятлари кенглиги билан ажралиб туради.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг таклиф этилган усулида корхонанинг операцион фаолиятлари самарадорлиги, инновацион фаолияти ва бозор мухитига мослашиш даражасининг интеграл кўрсаткичларинининг ўзгаришини аниқлаш орқали амалга оширилади. Корхона рақобатбардошлигининг интеграл кўрсатгичи қўйидаги формула (1) билан аниқланади:

$$K = \sum_{i=1}^n K_i^1 + \sum_{j=1}^m K_j^2 + K_e \quad (1)$$

бунда, K - корхонанинг рақобатбардошлик кўрсаткичи;

K_i^1 - корхона рақобатбардошлигини бўйича i -гуруҳдаги кўрсаткичлар миқдорий коэффициенти;

K_j^2 - корхона рақобатбардошлигини бўйича j -гуруҳдаги кўрсаткичлар миқдорий коэффициенти;

K_e^3 - бозор мухитига мослашиш коэффициенти;

$K_i^1=1$; ва $K_j^2=1$ аҳамиятлилик коэффициенти бўйича қийматлар ийғиндиси тенглигини англатувчи шартга асосан, ушбу коэффициентлар ўртача эксперт баҳолаш йўли билан аниқланади.

Корхоналарнинг операцион фаолиятлари самарадорлигига кўра рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи (K_i^1) қўйидаги формула (2) орқали топилади:

$$K_i^1 = 0,51 * K_1^1 + 0,42 * K_2^1 + 0,25 * K_3^1 + 0,46 * K_4^1 + 0,17 * K_5^1 \quad (2)$$

бунда, K_1^1 - корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлик коэффициенти;

K_2^1 - корхонанинг маркетинг фаолияти самарадорлик коэффициенти;

K_3^1 - корхонанинг молиявий фаолияти самарадорлик коэффициенти;

K_4^1 - корхонанинг бошқарув фаолияти самарадорлик коэффициенти;

K_5^1 - корхонанинг логистик фаолияти самарадорлик коэффициенти;

0,51; 0,42; 0,25; 0,46; 0,17 – вазн коэффициентлари (эксперт баҳолаш орқали аниқланади);

Корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигига кўра рақобатбардошлиқ интеграл кўрсаткичи (K_j^2) кўйидаги формула (3) орқали топилади:

$$K_j^2 = 0,39 * K_1^2 + 0,16 * K_2^2 + 0,21 * K_3^2 + 0,18 * K_4^2 \quad (3)$$

бунда, K_1^2 - технологик инновацион фаолият самарадорлик коэффициенти;

K_2^2 - жараёнлар бўйича инновацион фаолият самарадорлик коэффициенти;

K_3^2 - маркетинг бўйича инновацион фаолият самарадорлик коэффициенти;

K_4^2 - ташкилий инновацион фаолият самарадорлик коэффициенти;

0,39; 0,16; 0,21; 0,18 - вазн коэффициентлари.

Бозор муҳитига мослашиши бўйича интеграл кўрсатгичи (K_e) корхонанинг ўтган даврга нисбатан бозор улушкининг ошиб боришии ва фаолият юритаётган бозорининг ривожланиши кўра қўйидаги фомуладан (4) аниқланади:

$$K_e = \frac{B_{ij}}{X_{ij}}, \quad (4)$$

бунда, B_{ij} - корхонанинг бозор улушкининг ўзгариш индекси;

X_{ij} – корхона фаолият юритаётган бозор ҳажмининг ўзгариш индекси (республика ёки вилоят миқёсида).

Таклиф этилган усул асосида Наманган вилоятида фаолият юритувчи «Юксалиш» МЧЖ ва «Саодат саноат сервис» МЧЖлар рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичлари, коэффициентда

Интеграл кўрсаткичлар	«Юксалиш» МЧЖ			«Саодат саноат сервис» МЧЖ		
	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
K_i	2,9	1,7	1,9	2,0	2,3	3,1
K_j	0,4	0,5	2,2	0,3	1,5	1,2
K_{ij}	0,9	1,0	1,1	0,8	1,7	5,0
K	4,3	3,2	5,2	3,2	5,4	9,3

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари натижалари.

«Юксалиш» МЧЖнинг 2015 йилда маркетинг, бошқарув ва молиявий фаолиятлари ҳамда инновацион фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги унинг бозор муҳитига мослашиш индексини пасайтирган. Корхона чакана савдо майдонларини кенгайтириш, замонавий дизайн хизматларидан фойдаланиш ҳамда товар рекламаси, савдони рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларини ошириш орқали рақобатбардошликтининг интеграл коэффициенти 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 2,0 коэффициентга оширган.

Ўзбекистон Республикасида Наманган вилояти енгил саноати энг ривожланган худудлардан бири ҳисобланади. Вилоятда енгил саноатни кластер модели асосида ривожлантириш имкониятларини ушбу худудда

шаклланган рақобат муҳити ва уларга корхоналарнинг мослашувчанлик ҳолатига кўра аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда рақобат муҳитини шакллантирувчи омиллар тизимини шакллантириш ва уларнинг ички боғланиши, таркибий элементларнинг ўзаро таъсири ва муносабатини аниқлаш зарур.

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий детерминантларга кўра танланган омиллар тизимлаштирилиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича гурухларга ажратилади:

F_1 (ишлаб чиқариш омиллари) ва F_2 (талаб ҳолатини ифодаловчи омиллар) –омилларнинг миқдорий қийматлари статистик манбалар орқали иккиласмчи ахборот сифатида шакллантирилади;

F_3 (корхоналарнинг давлат хизматлари ва инфратузилмадан фойдаланиши даражаси), F_4 (корхоналарнинг географик яқинлиги, вертикал интеграция ҳолати), F_5 (корхоналарнинг горизонтал интеграцияси ва рақобатда ҳамкорлик), F_6 (корхоналарнинг ҳамкорлик ҳолати) бўйича танланган омиллар гурухи енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда ўтказилган анкета сўровлари орқали бирламчи ахборот сифатида шакллантирилади.


Наманган вилояти енгил саноатини кластерлаш имкониятлари 1-расмда келтирилган алгоритмга кўра баҳоланади.

Ишлаб чиқариш омиллари бўйича танланган (F_1) ва (F_2) омиллар гурухининг корреляцион боғланиши ($-1 \leq r \leq 1$) шартга кўра аниқланди. Ишлаб чиқариш ва талаб ривожланишини ифодаловчи омилларнинг ўзаро зич боғланиши тармоқдаги рақобат муҳитини шакллантиришга эришиш имкониятини оширади. Шунингдек, кластер муҳити шаклланиши бўйича танланган 4 гуруҳ омилларининг (F_3 ; F_4 ; F_5 ; F_6) ўзаро корреляцияси ($-1 \leq r \leq 1$) шартга кўра аниқланди. Кластерлаш имкониятларини аниқлаш учун танланган омилларнинг корреляцияси ўртача зичлиқдан юқори бўлган $|r_{(f)}| \geq 0,65$ шартни қаноатлантириши туфайли вилоят енгил саноатида кластерни шакллантириш бўйича қисқа ва узоқ муддатли стратегияларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар алгоритм шартлари қаноатлантирилмаса, кластерни шакллантирувчи компонентлар бўйича тактик мақсадлар белгиланади.

Енгил саноатда кластер стратегиясидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш алгоритми шартларига кўра ҳисоб-китобларни амалга ошириш мураккаб тенгламалар тизимини ҳосил қиласди. Шу сабабли, уни алоҳида мустақил тенглама сифатида кўриб чиқиши мумкин эмас. Бунинг учун муаллиф томонидан енгил саноатда рақобатни шакллантирувчи омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш мақсадида SPSS AMOS 23 дастури асосида тизимли тенгламалар моделидан (Structural Equation Modelling⁹-SEM) фойдаланиш тавсия этилган.

⁹Structural Equation Modelling (SEM) – эконометрик ва бошқа иқтисодий моделлардан фарқли ўлароқ кузатилмайдиган, яширин конструкцияларни баҳолашда кўлланилади. Унинг ёрдамида мураккаб эконометрик моделлар ва аниқлаш қийин бўлган боғланишлар тенгламаларини тузиш мумкин.

Курилган SEM моделлари натижалари Наманган вилоятида ишлаб чиқаришга ресурс сарфларини меъёрлаштириш, сарф-харажатларни камайтириш, талаб омилларига мувофиқлаштириш лозимлиги аниқланиб, зич боғланишга эгалигини кўрсатди.



1-расм. Енгил саноатни кластерлаш имкониятларини баҳолаш алгоритми¹⁰

Кластерлаш имкониятларини белгиловчи омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар даражаси SPSS AMOS 23 дастури асосида тизимли тенгламалар моделини ноль даражали гипотеза шартига кўра ҳисоблаш киритилди. Танланган омилларнинг яширинган натижавий қийматлари корреляцияси эса максимал эҳтимоллик (maximum likelihood estimation (MLE)) функцияси орқали аниқланди (2-жадвал).

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

2-жадвал

Наманган вилояти енгил саноатида кластер стратегиясидан фойдаланиш имкониятлари

Танланган омиллар гурухи	r (корреляция)	Танланган омиллар гурухи
Рақобат муҳити		
Ресурс имкониятлари (F_1)	Зич боғланиш (0,94)	Талаб шароитлари (F_2)
Кластерлаш имкониятлари		
Давлат хизматлари ва инфратузилма (F_3)	Ўртача боғланиш (0,57)	Географик яқинлик ва вертикал интеграцияси (F_4)
Давлат хизматлари ва инфратузилма (F_3)	Зич боғланиш (0,95)	Горизонтал интеграция ва ўзаро рақобатга киришиш (F_5)
Географик яқинлик ва вертикал интеграцияси (F_4)	Зич боғланиш (0,87)	Горизонтал интеграция ва ўзаро рақобатга киришиш (F_5)
Ўзаро ҳамкорлик ҳолати (F_6)	Кучсиз боғланиш (0,09)	Географик яқинлик ва вертикал интеграция (F_4)
Ўзаро ҳамкорлик ҳолати (F_6)	Ўртача боғланиш (-0,637)	Горизонтал интеграция ва ўзаро рақобатга киришиш (F_5)
Ўзаро ҳамкорлик ҳолати (F_6)	Кучсиз боғланиш (0,096)	Давлат хизматлари ва инфратузилма (F_3)

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Наманган вилояти енгил саноат корхоналарида қуидаги хизматлардан самарали фойдаланмаслик енгил саноатда кластерни шакллантириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Таълим хизматлари ва имкониятлари, инновацион ишланмаларни жорий этиш ва малака ошириш хизматлари, тадқиқот институтлари ва давлат томонидан ўтказиладиган ўқув, бизнес тренинглар, ярмаркалар ва бошқа тадбирлардан етарли даражада фойдаланмаслик, давлат интерактив хизматларидан, бозор ахборотларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги шулар жумласига киради. Шунингдек, логистик инфратузилма самарали ташкил этилмаганлиги, хомашёларни қайта ишловчилар билан ўзаро муносабатлар самарали йўлга қўйилмаганлиги, ўзаро ҳамкорликда рақобатга киришиш ва нархни шакллантириш талаб даражасида эмас. Корхоналарнинг технология ва маркетинг инновациялари бўйича ҳамкорликда стратегик мақсадлар белгилаш, харидларни амалга ошириш даражаси ҳам етарлича шаклланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Наманган вилояти енгил саноатида кластерларни ташкил этишнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «**Енгил саноат корхоналари рақобат-бардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг стратегиялари**» деб номланган бўлиб, бу бобда енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантириш стратегиялари, жаҳон модалар бозорига Ўзбекистоннинг миллий брендларини кириб бориши бўйича халқаро тажриба ва стратегиялардан фойдаланиш имкониялари белгилаб берилган. «Наманган текстиль кластери»ни шакллантириш модели таклиф этилиб, унинг синергия самараси аниқланган.

Ассортимент стратегиясини шакллантириш корхонанинг мажбурияти эмас, балки рақобат омили таъсиридан сақланишдаги устувор вазифаси саналади. Енгил саноат корхоналарининг ассортимент стратегиясини ишлаб чиқишида, аввало, ички бозордаги асосий рақобатчилар ва уларнинг ассортиментни шакллантиришдаги улушкини аниқлашни тақозо этади.

Диссертацияда истеъмол ассортименти таркиби, унинг ўзгаришлари, ассортимент бўйича рақобат ҳолати бўйича ахборотлар олишда аҳоли гардероби таркиби панель тадқиқотлари асосида ўрганилган. Тадқиқотда аёллар, эркаклар ва болалар гардеробини шакллантиришда иштирок этажан рақобатчи мамлакатлар улушки аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Наманган вилоятида аёллар гардеробининг 27 фоизи, эркаклар гардеробининг 57 фоизи, ўқувчилар гардеробининг 24 фоизи, тарбияланувчилар гардеробининг 17 фоизи миллий маҳсулотлар ҳисобланиб, танланган сегментлар бўйича гардеробни шакллантиришда Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатлар корхоналарининг иштироки юқорилиги кузатилган.

Аниқланган аҳоли гардеробида шаклланган ассортимент ва ундаги рақобатчилар улушкига асосланиб, BCG стратегик таҳлил усули асосида рақобат ҳаритаси тузилган. Сегментлар гардеробида шаклланган ассортиментнинг BCG матрицасидаги жойлашувига кўра, ички бозордан импорт маҳсулотларни (Хитой, Туркия) сиқиб чиқаришга қаратилган ўсиш, ривожланаётган ассортимент билан ҳаракат ва тўйинган ассортимент бўйича устунликни сақлаб қолишга йўналтирилган рақобатбардошликтни таъминлашнинг етакчилик стратегиялари таклиф этилган.

Наманган вилоятидаги аксарият корхоналар ўзлаштириб бўлинган модалар асосида кийимлар дизайнини шакллантироқда. Бу эса корхоналарга тайёр кийимлар модаси, дизайнни ва бренди бўйича ички ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини чеклаб қўймоқда.

